КУТУБХОНАСИ

17 йил

*МУСТАҚИЛЛИК — БИЗНИНГ БОРЛИГИМИЗ, ШОНУ ШУҲРАТИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИДИР*

2008 ЙИЛ, 28 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 167-168 (11.228-11.229) | Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 27 АВГУСТ КУНИ ОҚСАРОЙДА «KOREAN AIR» АВИАКОМПАНИЯСИ РАИСИ ЧО ЯНГ ХОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон-Корея муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бугунги учрашув ҳам бунинг яна бир тасдиғи эканини таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида авиация соҳасидаги алоқалар кўлами кенгайиб бораётир. Чо Янг Хонинг Ўзбекистонга бу галги ташрифи асносида Навоий шаҳри аэропортида халқаро логистика маркази очиш тўғрисидаги ҳужжатнинг имзолангани ҳамкорликнинг яна бир амалий натижаси бўлди.

Мамлакатимиз раҳбарининг жорий йил февраль ойида Корея Республикасига ташрифи чоғида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан «Korean Air» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган эди. Ушбу ҳужжат икки авиакомпаниянинг жаҳоннинг янги бозорларидан жой олиш, Ўзбекистон логистика инфратузилмасини ривожлантириш, фуқаро авиациясини бошқаришда тажриба алмашиш, кадрлар тайёрлаш борасидаги амалий ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

«Korean Air» ҳаво транспортида юк ташиш бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. Сеулда имзоланган меморандумга мувофиқ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Korean Air» томонининг таклифига биноан 2008-2009 йилларда "Sky Team" халқаро авиация альянсига қўшилади. Йирик авиакомпанияларни бирлаштирган ушбу альянс дунёда йўловчи ва юк ташиш бўйича қатновларнинг 35 фоизини назорат қилади. Мазкур альянс билан ҳамкорлик миллий авиакомпаниямизнинг халқаро авиатранспорт тизимига интеграциясини янада кучайтиришда, парвозларнинг хавфсизлигини ошириш ва мунтазамлигини таъминлашда янги имкониятлар очади.

Чо Янг Хо самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, ўзи раҳбарлик қиладиган авиакомпания ҳамкорликни бундан ҳам юқори поғоналарга олиб чиқишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан «Korean Air» ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ДУШАНБЕ УЧРАШУВЛАРИ

**ШҲТ САММИТИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ДУШАНБЕГА КЕЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИ ШАҲАР АЭРОПОРТИДА ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИМОМАЛИ РАҲМОН КУТИБ ОЛДИ.**

**Душанбе, 27 август. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.**

Шу куни "Коҳи Сомон" саройида Ислом Каримов ва Имомали Раҳмоннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида 2000 йилнинг июнида имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома амал қилади. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейин Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида жами юздан зиёд икки томонлама ҳужжат имзоланган.

Иқтисодий ҳамкорликка оид кўрсаткичлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 207,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

— Ўзбек ва тожик халқлари икки тилда сўзлашувчи бир халқдир, — деди Ислом Каримов. - Бугунги учрашув ўзаро муносабатларга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкониятдир.

— Оғир дамларда Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи кўрсатган ёрдамни Тожикистон халқи асло унутмайди, — деди Имомали Раҳмон. — ШҲТ саммити арафасида дўст мамлакат раҳбарини юртимизда қутлашдан мамнунмиз.

Суҳбат чоғида Президентлар Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларига доир масалалар, минтақавий хавфсизлик муаммолари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбарининг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашувида ушбу мулоқот икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқалари ҳақида фикрлашиб олиш учун яхши фурсат экани таъкидланди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик йил сайин ривожланиб бормоқда. 2007 йилда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми қарийб 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг январь-май ойларида бу кўрсаткич 650,3 миллион долларга етди.

Президентлар ҳамкорликнинг ҳозирги босқичига юқори баҳо бердилар. Сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳадаги алоқаларни янада фаоллаштиришга оид масалалар, ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев билан ҳам учрашди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар 2005 йилнинг ноябрида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бормоқда.

Ислом Каримов Ўзбекистон Россияни ишончли стратегик шерик деб билишини ва ўзаро ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади.

Дмитрий Медведев бугунги учрашув икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида иқтисодий ва сармоявий йўналишдаги ҳамкорлик кўлами изчил кенгаймоқда. Ўзбекистон ташқи савдосининг қарийб 30 фоизи Россия ҳисобига тўғри келади. 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4 миллиард АҚШ долларидан ошди. 2008 йилнинг дастлабки беш ойида бу кўрсаткич 1,6 миллиард доллардан кўпроқни ташкил қилди. Ўзбекистоннинг Россияга экспортида саноат маҳсулотлари ҳажми ошиб бораётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2008 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 27 август*

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА КЎРА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИ ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИЛАР. ЖУМЛАДАН, ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН ҚУЙИДАГИЛАР ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИГА МУШАРРАФ БЎЛДИЛАР.**

*Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа, фуқаро авиацияси ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:*

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМИ»**

**Бабабеков Каландар** — Республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази бош директорининг ўринбосари

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»**

**Вахабов Арипхўжа Абидханович** — Бектемир туманидаги «Қуювмеханика заводи» шўъба корхонасининг цех бошлиғи

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ»**

**Мансуров Рустам Пулатович** — Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси бошлиғи

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»**

**Джамирзаев Абдунаби Абдурахимович** — Учтепа туманидаги «18-автобус саройи» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМИ»**

**Теляев Фархад Мухамадиевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг «Боинг» самолёти командири

**Шишонков Борис Яковлевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиа — компанияси Махсус авиация ишлари авиакомпаниясининг учувчи-йўриқчиси

*Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотланди:*

**«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Зуфаров Махамаджан Заирович** — Республика «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳри бўлими раиси

**Салихов Шавкат Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси

*Республикамизнинг саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жаҳон андозалари асосида юксалтириш, фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотланди:*

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдуллаев Нигматилла** — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

**Абраров Зиявиддин Сражиддинович** — Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси

***(Давоми 2-бетда).***

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги Шароф Рашидов маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигида уюштирилган адабий кеча ва концерт дастури мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги, Ёшлар йилига бағишланди.

●**КЕЧА** «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясида шу соҳа мутасаддилари ва мутахассислар иштирокида ўтказилган тадбирда темир йўл тармоғини ривожлантиришда Афғонистон билан икки томонлама ҳамкорликни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

●**КЕЧА** Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик ҳарбий билим юртида курсантлар ва зобитлар иштирокида замонавий ҳарбий техникани ёшларга ўргатишнинг аҳамиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

●**КЕЧА** шаҳримизда иқтидорли ёшлар ўртасида уюштирилган кўрик-танлов «Тасанно» деб номланди.

●**БАҲРОМ** Ёқубов режиссёрлигида ўзбек киноусталари томонидан яратилган «Супер келинчак» бадиий фильмининг тақдимоти кино ихлосмандлари иштирокида бўлиб ўтди.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги 41-мактабда шаҳримиз туманларидан келган иқтидорли ёшлар ўртасида Ёшлар йилига бағишлаб шахмат бўйича уюштирилган мусобақалар якунланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●Мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистон Ислом Республикаси жамоат ишлари вазири Соҳроб Али Сафарий раҳбарлигидаги делегация 27 август куни "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси раисининг ўринбосари Акбар Шукуров билан учрашди.**

**●Энг азиз, энг улуғ айём – Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида Навоий аэропортига «Korean Air» авиакомпаниясининг биринчи юк самолёти келиб қўнди. Ушбу компания Жанубий Кореянинг ҳаво транспортида юк ташиш соҳасида етакчи ўринни эгаллайдиган йирик "Ханжинг групп" холдинги таркибига киради. Навоий аэропорти базасида ўзбекистонлик ҳамкорлар билан биргаликда халқаро логистика маркази барпо этилади.**

**●"Экосан" экология ва саломатлик халқаро ташкилоти Мустақиллик байрами арафасида Сурхондарё вилоятига саломатлик поездини жўнатди. Тадбир "Ёшлар йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилди. Ушбу мурувват юки таркибида Сурхондарёнинг иссиқ иқлими ҳисобга олинган ҳолда, пахтадан тайёрланган кийим-кечаклар, санитария ва гигиена воситалари, шунингдек, мактаб ўқувчилари учун кийим ҳамда пойабзал — умумий қиймати 50 миллион сўмдан ортиқ халқ истеъмоли товарлари бор.**

**●Фарғона вилоят ўлкашунослик музейида мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллик байрамига бағишлаб "Юртимиз жавоҳирлари" деб номланган кўргазма очилди. Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилган кўргазмада таниқли рассомларнинг сара асарлари намойиш этилмоқда.**

**●Самарқанд шаҳрида "Ёшлар йили" Давлат дастурига мувофиқ ҳамда мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллик байрами олдидан «Самарқанд ҳунармандчилиги: азалий мерос ёшлар ардоғида» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда саксондан зиёд ҳунарманд, вилоятдаги миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, касаначилар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.**

**●Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг Жиззах вилоят вакиллиги томонидан тармоқ ходимлари спартакиадаси ўтказилди. Унда 23 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларидан 100 дан ортиқ вакил иштирок этиб, спортнинг шашка, стол тенниси, енгил атлетика турлари бўйича ўзаро беллашдилар.**

### ЖАҲОНДА

**●Бугун Исроил Ғазо секторида бир нечта ўтказиш пунктларини очди.**

**●Кеча Денверда ўтказилган АҚШ демократик партиясининг сайловолди съездида делегатлар президентлик сайловларида партия номидан Барак Обама номзодини расман илгари сурдилар.**

**●Боснинялик сербларнинг собиқ етакчиси Радован Каражич Гаага халқаро судини ўзига қарши қўзғатилган ишни тугатишга чақирди. Бунда собиқ президент адолатли суд бўлмаслигини сабаб қилиб кўрсатди. Каражичнинг 24 август куни берган баёнотига кўра ОАВнинг унга салбий муносабати туфайли айбсизлик презумпцияси фойдасиз ишга айланган.**

**●Швейцария бош прокурори Даниэль Запелли «Бхутто оиласи иши»нинг ёпилишини маълум қилди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Бунга Покистон ҳукуматининг Бхуттога қўйган молиявий жиноятлар билан боғлиқ барча айбловларни бекор қилгани сабаб бўлди.**

**●Кеча Украинанинг Харьков областида жойлашган Лозовая шаҳридаги катта туркумдаги мина ва снарядлар сақланаётган артиллерия омборларида кучли ёнғин чиқди. Ёнғин натижасида портлашлар рўй бераётганлиги сабабли ҳозирча уни ўчиришнинг иложи бўлмаяпти. Мутахассисларнинг фикрича, омбордаги портлашлар яна 2-3 кун давом этади. Шу муносабат билан ушбу ҳудудда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Украина бош прокуратураси томонидан жиноий иш очилди.**

**●Пекин Олимпиадаси телевизион аудитория йиғиш бўйича рекорд кўрсаткични қайд этди. Ташкилий қўмита томонидан тақдим этилган статистик маълумотларга қараганда ўйинларни ер юзида 4,4 миллиарддан ортиқ спорт ихлосманди кузатиб борган. Бу «Пекин-2008»ни сайёрамиздаги ҳар уч кишидан икки нафари телевизор орқали кўрган демакдир.**

**●Германиянинг йирик авиа ташувчи компанияси — «Lufthasa» Италиянинг инқирозга юз тутаётган Al italia авиакомпаниясини сотиб олиш бўйича музокараларни бошлади.**

**●Глобал исишдан зарар кўриши тахмин қилинаётган Гренландия оролида улкан дарз пайдо бўлди. Агар орол қуласа, майдони 23 квадрат километрга тенг Петтерман ороли юзага келади. Америкалик олимларнинг кузатишича, ёриқнинг узунлиги 13, эни эса 1 километрдан иборат.**

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

**Агзамова Гульруҳ Анваровна** — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

**Гулямов Эркин Зайнутдинович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Парвозлар хавфсизлиги инспекцияси учувчи—инспектори

**Ибрагимходжаева Сурайя Абдухамидовна** — «Ўзгидромет» марказининг Гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш хизмати муҳандиси

**Тогаев Кучкар** — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари

**Усманов Рахманбек Джахангирович** — Тошкент шаҳар ҳокимининг капитал қурилиш, коммунал хўжалиги, ободонлаштириш, саноат ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари

**Шамсиев Талъатбек** — Мирobod туманидаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

*Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий — иқтисодий соҳалар ва бошқарув идораларидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати билан юртимиз тараққиётига қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:*

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдурахманова Махмуда Ахмеджановна** — Юнусобод туманидаги «Астробод» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий — ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Адылов Камилжон Махаматкулович** — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси

**Косякова Галина Дмитриевна** — Чилонзор туманидаги «Наққошлик уйи» хусусий уй—жой мулкдорлари ширкати раиси

**Мазничко Сергей Вадимович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг цех муҳандиси

**Садиков Жанабай** — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси

**Соатов Ойбек Асомович** — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг котиби

*Кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл—юртга ибрат бўлиб, ўгит—насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган қуйидаги юз ёшдан ошган табаррук отахон ва онахонлар мукофотланди:*

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН (100 ЁШДАН ОШГАНЛАР)**

**Джураева Кузибиби** — Миробод тумани

*Жисмоний ногиронлигига қарамасдан қийинчилик ва тўсиқларни мардонавор енгиб, ўзининг азму шижоати, мустаҳкам иродаси ва фидойилик фазилатларини намоён этган ҳамда ёш авлод тарбияси, юрт тинчлиги ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидаги ватандошларимиз мукофотланди:*

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Худойқулов Қудрат Ботирали ўғли** — Чилонзор туманидаги «Байналмилал» ногиронлар футбол командасининг футболчиси

*Ўзларининг тадбиркорлик ва ишбилармонлик фазилатларини намоён қилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини ривожлантиришга, ислоҳотларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётган, хотин — қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб — авайлаш, ёшларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш, аҳолининг тинчлик ва осойишталигини муҳофаза этишда фаол қатнашаётганлардан қуйидагилар мукофотланди:*

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Азимов Абдуғаппор Абдувалиевич** — Тошкент шаҳридаги «Қўйлиқ кўприк темир — бетон қурилмалар тажриба заводи» акциядорлик жамиятининг кран машинисти

**Акбаров Сайфулла Сайдуллаевич** — Мирзо Улуғбек туманидаги «2519—автожамланма» очиқ акциядорлик жамиятининг автобус ҳайдовчиси

**Алиев Вали** — Собир Раҳимов туманидаги «Кўксарой» хусусий уй—жой мулкдорлари ширкати чилангари

**Ахмеджанов Якубджан Бакиджанович** — Юнусобод туманидаги «8—автобус саройи» акциядорлик жамияти ҳайдовчиси

**Бегжанов Юлдаш** — Ҳамза туманидаги «Подьёмник» акциядорлик жамиятининг металл қирқувчиси

**Вергун Сергей Васильевич** — Мирзо Улуғбек туманидаги «Тошкент лак—бўёқ заводи» акциядорлик жамиятининг фрезерчиси

**Гуламов Шавкат Худайбердиевич** — Ҳамза туманидаги «1—автокорхона» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси

**Заломский Георгий Федорович** — Сергели туманидаги «12—автобус саройи» очиқ акциядорлик жамияти ҳайдовчиси

**Имамов Хикматилла Рихсибаевич** — Юнусобод туманидаги «Асбобсоз» акциядорлик жамиятининг пайвандчиси

**Исанбекова Махбуба Усмановна** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Каримов Мирзахид Сабирович** — Чилонзор туманидаги «7 — автокорхона» акциядорлик жамиятининг автобус ҳайдовчиси

**Каримов Уткур Рахимович** — «Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг газпайвандчиси

**Касимов Абдугани Хабирович** — Собир Раҳимов туманидаги «Эътиқод» хусусий корхонаси раҳбари

**Кирюшин Владимир Иванович** — Яккасарой туманидаги «Куч бирликда—Коммуналчи» хусусий уй — жой мулкдорлари ширкати раиси

**Кислицина Ирина Александровна** — Юнусобод туманидаги «Фарангиз—коммунал» хусусий уй—жой мулкдорлари ширкати раиси

**Костина Вера Николаевна** — Миробод туманидаги «Ораз» хусусий уй—жой мулкдорлари ширкати раиси

**Манбетова Айзода Абдуллаевна** — Сергели туманидаги «Жаҳонаро гулдаста» уй—жой мулкдорлари ширкати раиси

**Махмудов Бахтиёр Мирзахмадович** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг бўлим бошлиғи

**Мирзаева Рано Тахтамуратовна** — Мирзо Улуғбек туманидаги «Боз биринчи коммунал» хусусий уй — жой мулкдорлари ширкати раиси

**Мусаходжаев Дильшат Васикович** — Учтепа туманидаги «Камрон сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Мухамедалиев Махмуд Даминович** — Собир Раҳимов туманидаги «3 — автобус саройи» очиқ акциядорлик жамияти ҳайдовчиси

**Назирханова Мухаббат Башировна** — Шайхонтоҳур туманидаги «Ибн Сино — Нур» хусусий уй—жой мулкдорлари ширкати раиси

**Пирнапасов Сафар Наврўзович** — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бўлим бошлиғи

**Разикова Парида Гуламовна** — «Сувсоз» давлат унитар корхонасининг Юнусобод туманидаги «Бўз—сув» бош сув иншооти тозалаш бўлимининг оператори

**Рахматуллина Эльвира Фатхлисмановна** — Бектемир туманидаги «Амодея—сервис» хусусий уй — жой мулкдорлари ширкати раиси

**Салихов Шавкат Каримович** — Сергели туманидаги «Тошкент рангли металл парчаларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» акциядорлик жамиятининг катта устаси

**Султанов Махмудали Рустамович** — Ҳамза туманидаги «2 — автобус саройи» акциядорлик жамияти ҳайдовчиси

**Таджиев Бахадир Салиҳович** — С.Раҳимов туманидаги «3 — автобус саройи» акциядорлик жамияти ҳайдовчиси

**Улмасов Хакимжон** — «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси «ЎзСэМюнг» қўшма корхонасининг прессловчиси

**Умаров Отабек Саидкамилович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг бўлим бошлиғи, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти раҳбари

**Фахриддинов Хуснутдин** — Сергели туманидаги «4—автобус саройи» акциядорлик жамияти ҳайдовчиси

**Хашимова Мавлюда Тахировна** — Республика Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг бошқарма бошлиғи

**Шоев Салим Акбарович** — Ҳамза туманидаги «Келажак сервис» хусусий уй—жой мулкдорлари ширкати раиси

# ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

**БУГУН ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЧИЛДИ.**

Кеча, 27 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг парламент юқори палатасининг ўн бешинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар ҳақидаги ахборотини тинглаб, маълумот учун қабул қилдилар.

Қўмиталарнинг раислари навбатдаги ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар ва бошқа масалаларга оид қарорлар тайёр эканлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида йигирмага яқин масала, шу жумладан, амнистия масаласи, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги, «Музейлар тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш билан боғлиқ қатор масалалар кўриб чиқилиши мўлжалланмоқда.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

* * *

Шу куни Сенатнинг олтита қўмитасининг ҳаммасида мажлислар бўлиб ўтди, уларда ўн бешинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилаётган масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисларда юқори палатанинг бўлажак анжуманида кўриб чиқиш учун жамиятимиз ҳаётидаги бунёдкорона ўзгаришларни, хусусан суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларини янада чуқурлаштиришга ва жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини либераллаштиришга, фуқароларни ижтимоий суғурталаш тизимини ривожлантиришга, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиришга, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга, корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштиришга йўналтирилган қонунлар киритилаётганлиги қайд этиб ўтилди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган дастлабки кунларданоқ устувор вазифа деб белгилаб олинган бўлиб, ана шу йўналишдаги давлат сиёсатини ҳар тарафлама амалга оширишга қаратилган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини Сенатнинг ўн бешинчи ялпи мажлисида кўриб чиқиш тўғрисидаги масала ҳам сенаторлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг музей ишини такомиллаштиришга ва барча музей муассасаларининг фаолиятини, уларнинг мулк шаклидан қатъи назар, тартибга солишга, халқимизнинг бебаҳо маънавий ва маданий бойликларини ягона ҳуқуқий тизим доирасида ҳисобга олиш, сақлаш, тиклаш ҳамда келажак авлодга етказишга қаратилган «Музейлар тўғрисида»-ги янги Қонуни қабул қилиниши муҳим эканлигини қайд этиб ўтдилар.

Ялпи мажлисда кўриб чиқиладиган қонунлар орасида Ўзбекистон Республикасининг айрим халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилишига оид қонунлар алоҳида ўрин тутади. «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг маъқулланиши ҳамда мазкур халқаро ҳужжатларга қўшилиш мамлакатимизнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризмга, трансмиллий жиноятчиликка, гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф муомалотига, Марказий Осиё минтақасида ва унинг сарҳадларидан ташқарида тинчлик ҳамда барқарорликка бўлган бошқа таҳдидларга қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, Ватанимиз фуқароларининг осойишта турмуш ва бунёдкорона меҳнат қилишга бўлган асосий ҳуқуқи ишончли ҳимоя этилишини таъминлаш тарафдори эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Мажлисларда сенаторларнинг 2008 йилнинг ўтган давридаги иш якунлари ҳам кўриб чиқилди ва Сенат қўмиталари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар қабул қилинди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

# РИЗҚИ БУТУН, ТОЛЕИ БАЛАНД ХАЛҚМИЗ

**КЎНГЛИДА ШУКРОНАСИ БОР ОДАМ УНИНГ МУКОФОТИГА, АЛБАТТА МУШАРРАФ БЎЛАДИ. БУ БУТУН БИР ХАЛҚҚА ХОС ФАЗИЛАТ БЎЛСА, РИЗҚИ БУТУНЛИК, ТОЛЕИ БАЛАНДЛИК БУ ХАЛҚНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАЙДИ. БИЗ АНА ШУНДАЙ ХАЛҚМИЗ. БОЗОРЛАРИМИЗ, ДАСТУРХОНИМИЗНИНГ ДОИМО ТЎКИНЛИГИ ШУНДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.**

Боғбонларимиз бу йил ҳам мўл-кўл мева етиштирди. Деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этилди. Давлатимиз томонидан аҳолининг ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини кафолатли таъминлаш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиб бораётганини эътиборга олсак, халқимиз манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган бундай хайрли ишларнинг аҳамияти беқиёс эканини янада чуқурроқ англаймиз.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган мажлисида мамлакатимиз озиқ-овқат бозорини барқарор таъминлаш ва мева-сабзавот маҳсулотларини ғамлаш ишларини ташкил этишга доир чора-тадбирлар ижросига алоҳида эътибор қаратди. Кўрилаётган ана шундай чора-тадбирлар натижасида биринчи ярим йилликда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз экинлари етиштиришнинг ўтган йил шу давридагига нисбатан ўсиши таъминланди.

Мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ҳамда дон, ун, ўсимлик мойи ва бошқа турдаги асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг ишончли захираси, улгуржи ва чакана савдодаги зарур захира аҳолининг эҳтиёжини тўла қоплайди, ички истеъмол бозорининг узлуксиз тўлдирилишини таъминлайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми кенгайтирилаётгани ва янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилаётгани айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Асосий истеъмол маҳсулотларининг ўртача чакана нархларининг ўзгариши қўшни давлатлар билан солиштирганда энг паст кўрсаткични ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг реал даромадлари изчил ортиб, халқ фаровонлиги янада ошаётганини эътиборга оладиган бўлсак, эркин рақобат муҳитига асосланган бозор шароитида нарх-навонинг муайян даражада кўтарилгани аҳолининг харид қобилиятига салбий таъсир кўрсатмайди.

Статистика идоралари маълумотларига кўра, 2001 йилда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача иш ҳақи кун кечириш учун минимум даражада зарур бўлган маблағнинг 99 фоизини ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 3 баробардан кўпроқ ошди. Таъкидлаш жоизки, бу рақам Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Иқтисодий тараққиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари юксалиб бораётгани, ички бозоримизнинг сифатли товар ва хизматлар, биринчи навбатда юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан барқарор тўлиб бораётгани аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини босқичма-босқич ошириш, мамлакатимиз истеъмол бозорини рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш учун ишончли асос яратмоқда. Шу боис жорий йилда ҳам бу борада ижобий тенденция давом этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 21 июлда қабул қилинган "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги фармони бу фикрнинг далилидир.

Аҳоли фаровонлиги ва манфаатлари ҳақида сўз борар экан, хусусан, гўшт ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириш мақсадида республикамиздан бундай маҳсулотларни экспорт қилиш тақиқланганини айтиб ўтиш ўринлидир. Бундай чора-тадбирлар ҳам халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Аммо ўз манфаатини ўйлаб, қилмишининг оқибатини англаб етмайдиган айрим кимсалар томонидан белгиланган қонун-қоидаларга хилоф иш тутиш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан ун ва ўсимлик ёғи нархлари юзасидан жорий йилнинг олти ойи давомида ўтказилган 2084 мониторингда тўрт юзга яқин қонунбузилиш ҳолати аниқланган. "Ишонч телефони" орқали эса қарийб саккиз юзта шикоят тушган. Кўрилган чоралар натижасида нархнинг сунъий оширилиши оқибатида истеъмолчиларга етказилган 84 миллион сўмга яқин маблағ эгаларига қайтарилган. 275 миллион сўмга яқин маблағ давлат бюджетига ўтказилган. Фаолиятида қўпол қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган 364 субъектга нисбатан иш қўзғатилди.

Буларнинг барчаси бозорларимиз тўкинлиги ва халқимиз фаровонлиги янада юксалишини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлардир.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

17 ЙИЛ



# ЮРТ ҲИМОЯСИ — ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

**МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БОРАСИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ҲАР ҚАНДАЙ ВАЗИЯТДА ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚОДИР МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ. ҲАРБИЙ ҚИСМЛАР ТУЗИЛМАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИБ, ҲАРБИЙ ОКРУГЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ ВА ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАР ТУЗИЛДИ.**

Айни чоғда бугунги кун талаби, юртимиз ва хорижда тўпланган тажрибадан келиб чиққан ҳолда, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини янада ошириш, юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик қобилиятига эга, интеллектуал салоҳияти юқори, жисмонан кучли ҳарбийларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланиб, олий ҳарбий билим юртларида ахборот технологиялари ва моделлаштириш услубларидан фойдаланган ҳолда, ўқитишнинг янги шакллари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Юқори малакали кадрларни тарбиялашга қаратилган ўқув дастурлари асосида ташкилотчилик кўникмаси ва пухта билимга эга, мустақил қарор қабул қила оладиган офицер-мутахассислар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг чақирув ва резервчиларни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи полковник Ботир Мирзамуҳамедовнинг айтишича, мамлакатимиз вилоят, шаҳар ва туманларидаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари замон талаблари даражасида жиҳозланган. Жорий этилган сафарбарлик чақируви резерви хизмати тўла ўзини оқламоқда.

Ҳарбийлар ўртасида ташкил этилаётган турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари уларнинг касб маҳорати ва жанговар шайлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. "Энг илғор мутахассис", "Умумармия ўйинлари", "Мардлар қўриқлайди Ватанни", "Энг ибратли ҳарбий оила", "Балли, йигитлар" спорт мусобақа ва танловлари шулар жумласидандир.

Соҳада амалга оширилаётган бундай кенг қамровли ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда. Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат Конституциявий бурч, айни пайтда том маънодаги шон-шараф ишига айланди. Ҳарбийлик касбининг нуфузи тобора ошмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматга жиддий синов ва танловлардан ўтган йигитларнинг саралаб олинаётгани Қуролли Кучларимиз шахсий таркибини яхши тайёрланган, бақувват ва мард йигитлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Армия хизматини ўтаётган йигитлар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш баробарида жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқмоқда. Уларнинг иродаси тобланмоқда. Бошқача айтганда, армия ёшлар учун ҳақиқий ҳаёт мактабига айланди.

Ҳарбийдан хизмат давомида мустаҳкам ҳаётий қарашларга эга бўлиб қайтган ўғлонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирок этишга ҳар томонлама тайёр эканликларини намоён этмоқда. Ўқиш ва ишга киришда қатор имтиёзга эга собиқ аскарлар ҳар жиҳатдан тенгдошларига ўрнак бўлаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони асосида берилган имтиёздан унумли фойдаланган кўплаб ёш ҳарбий оилалар ўзининг уй-жой шароитини яхшиламоқда.

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини битирган ёш офицер Аъзамжон Каримов ана шундай имтиёздан баҳраманд бўлган ҳарбийлардан. У 23 миллион сўм имтиёзли ипотека кредити олиб, Чирчиқ шаҳридан тўрт хонали уй-ҳовли харид қилди.

— Президентимизнинг фармонига асосан берилган бундай имконият ва имтиёз мен каби энди оила қурган ёш ҳарбийларга катта ёрдам бўлмоқда, — дейди А.Каримов. — Биз ёшларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан ғоят миннатдормиз.

Таъкидлаш жоиз, ўтган йиллари ҳарбий унвонлар бўйича маошлар, ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин тўланадиган нафақалар миқдори бир неча баробар оширилди. Барча зарур уй-рўзғор буюмлари билан жиҳозланган хизмат турар жойлари ташкил этилаётгани, ҳарбийларимизга фоизсиз ва имтиёзли кредитлар берилаётгани посбонларимиз учун яратилган янги қулайлик ва енгилликлардандир.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларини олган фуқароларга республикамиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида балл қўшиб бериш имтиёзи яратилди.

Жорий йилда ҳам кўплаб йигитлар ана шу имтиёздан фойдаланиб, талабалар сафига қўшилди. Навоийлик Учқун Бекназаров ана шундай ёшлардан.

— Ички ишлар вазирлиги академияси курсантлари сафига қўшилганимдан жуда хурсандман, — дейди Учқун. — Эндиги мақсадим астойдил ўқиб-изланиш, бор куч-ғайратим билан юртимиз осойишталигини таъминлаш йўлида садоқат билан хизмат қилишдир.

Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун ҳар йили кўплаб ҳарбий хизматчилар орден, медаль ва фахрий унвонлар билан тақдирланмоқда.

Ҳарбийларни оммавий спортга кенг жалб этиш ишлари ҳам изчил давом этмоқда. Барча олий ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактаблари, ҳарбий қисм ва бўлинмалар энг замонавий спорт инвентарлари, тренажёрлар билан таъминланган. Уларда спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланаётган йигитларимиз Осиё ва жаҳон чемпионатлари ҳамда халқаро турнирларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Пекинда давом этаётган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларига жўнаб кетган Ўзбекистон терма жамоаси таркибида 20 нафар ҳарбий спортчи борлиги ва улар медалларни қўлга киритаётгани фикримизнинг тасдиғидир.

Ҳарбийларимизни қўллаб-қувватлашга берилаётган бундай катта эътибор ва ғамхўрлик уларни ҳар томонлама фаол, янада сергак ва ҳушёр бўлишга, халқаро беллашув ва танловларда ғалабаларни қўлга киритишга, юртимиз осойишталиги йўлида садоқат билан хизмат қилишга ундамоқда. Зеро, тинчлик бор жойда фаровонлик, тараққиёт бўлади. Юртимизда ҳукм сураётган барқарорлик, тўкин-сочинлик истиқлол бахш этган бебаҳо неъматлардандир.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

*Сизларни қутлуғ айём —*

*МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ*

*байрами билан самимий табриклаймиз. Мана шундай фарахбахш кунларда дилларингиздаги барча орзу ва мақсадларингиз амалга ошишига тилакдошмиз. Мустақиллигимиз абадий, ҳар бир хонадонда тўкин-сочинлик ва бахт-саодат ҳукмрон бўлсин.*






АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ҚАДРЛИ ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

БОБУР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЖАМОАСИ

Сизларни энг азиз ва улуғ байрам —

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги билан



*самимий қутлайди. Сизларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахт ва омад, хуш кайфият тилаймиз. Қалбимизни ҳамда юртимизни нурафшон этган Истиқлолимиз абадий, ҳаётимиз фаровон, осмонимиз мусаффо бўлсин. Маданий ҳордиқ чиқариб, кўнгилли дам олиш учун боғимизга ташриф буюринг.*





*ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!*

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ АЙЁМ – ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ

*барчамизга муборак бўлсин! Мустақиллик шукуҳи ҳар биримизнинг қалбимизни қувончга, фахр-ифтихорга тўлдирсин. Сизларга тинчлик-хотиржамлик, соғлик-омонлик, бахт ва омад ёр бўлсин.*



«SHIFO-NUR SERVIS»
ХУСУСИЙ ФИРМАСИ ҚОШИДАГИ
«G'UNCHA MED»
ХУСУСИЙ КЛИНИКАСИНИНГ ТИББИЙ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ:

- уролог,
- гинеколог,
- стоматолог,
- нейропсихолог,
- кардиолог,
- невропатолог,
- проктолог, ЛФК, УЗИ,ЭКГ, массаж, игна билан даволаш,
- физиотерапия, лаборатория, аптека, тренажёр зали сизларнинг хизматингизда.



Тел: 244-56-56, 244-63-77.

Хизматлар лицензияланган



IPOTEKA BANK

*Мустақиллик байрамингиз муборак азиз юртдошлар!*



«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ»
УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини
Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади.

Сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад
доимо ёр бўлишига
тилакдошмиз.





ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Энг улуғ ва азиз шодиёна —
Мустақиллик байрами
барчангизга муборак бўлсин.

Ушбу фараҳбахш кунларда
режалаштирилган
ишларингиз
ўнгидан келсин,
энг эзгу тилакларингиз
ижобат бўлсин.

METRO
«ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

«ОЛТИН МЕРОС» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ
ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамюртларимизни — нуроний отахон ва онахонларни, қалби олов ёшларимизни, гўзал опа-сингилларимизни яқинлашиб келаётган Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз —

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ
17 ЙИЛЛИГИ БИЛАН

кутлайди.
Сизларга ҳамиша омонлик, бахт ва омад, оилавий хотиржамлик тилаймиз.
Юртимиз тинч, хонадонларимиз обод бўлсин.



«7-АВТОКОРХОНА»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ўзининг 2200 йиллигини нишонлашга
катта тараддуд кўраётган азим
пойтахтимиз аҳлини ота-боболаримизнинг
азалий эзгу ниятлари рўёби бўлган

Истиқлол айёми

билан муборакбод этишдан беҳад бахтиёрдир.

Барчангиз кўзлаган ниятларингизга етиб, мустақил мамлакатимизнинг янада обод ва фаровон бўлишига муносиб ҳисса қўшишда асло толманг.
Саломатлигингиз мустаҳкам, хонадонингиз тинч, йўлларингиз ойдин бўлсин!




ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

барча ҳамшаҳарларимизни иқтисодий-ижтимоий соҳаларда улкан ўзгаришларга, атроф-муҳит муҳофазасига эътибор қаратилишига муҳим замин бўлган Мустақиллик байрами билан самимий муборакбод этади.

Истардикки, табиатни сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг кўлами кенгайиб бораверсин, экологик ҳаракат қатнашчиларининг сони йилдан йилга ошиб борсин, пойтахт ҳавоси ва суви янада мусаффо бўлсин.
Байрамингиз муборак, азизлар!



Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси

Сиз азизларни
Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги билан
самимий муборакбод этади!

Истиқлол айёми хонадонларингизга файзу
барака ва омад олиб кирсин!

Истеъмолчилар ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида.
Хизматлар лицензияланган.



# Юртимиз Мустақиллигининг 17 йиллик шодиёналарини меҳнатда ютуқлар, дилларда ўзгача шукуҳ билан кутиб олаётган

# «НЕРУДНИК»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

азиз ватандошларимизни, қадрли ҳамшаҳарларимизни Энг улуғ, энг азиз байрам билан чин қалбдан табриклайди. Жонажон диёримиз ҳамиша гуллаб-яшнаб, халқимиз фаровонлиги янада юксалаверсин. Гўзал чеҳралардан хуш кайфият аримасин.

Улуғ айём кунларида ҳар бирингизнинг қалбингиз байрам нашидасидан завқу шавққа тўлсин!





## РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

# «ҒАЛЛАБАНК» жамоаси

юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси

**Мустақиллигининг 17 йиллиги билан**

муборакбод этиб, қуйидаги йиллик 18 фоизли янги омонат турлари амалга киритилганини маълум қилади:

| Омонат тури | Муддати | Эслатма |
|---|---|---|
| «Ko`zgu» | 1 ой | фоизлар олдиндан тўланади |
| «Tong» | 1 ой | фоизлар муддат тугагандан сўнг тўланади |
| «Musaffo» | 3 ой | фоизлар олдиндан тўланади |
| «Saraton» | 3 ой | фоизлар ҳар ойда тўланади |
| «Mukofot» | 6 ой | фоизлар олдиндан тўлаб берилади |
| «Zamin» | 6 ой | фоизлар ҳар ойда тўланади |
| «Foydali» | 1 йил | фоизлар ҳар ойда тўланади |
| «Adolat» | 2 йил | фоизлар ҳар икки ойда тўланади |
| «Omad» | 1 йил | ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади |

Мазкур омонатлар жорий йилнинг 1 октябрига қадар қабул қилинади. Омонатлар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланади.

Маълумот учун тел.: 233-71-72, 236-74-30, 233-98-80; www.gallabank.com

**«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!**



Хизматлар лицензияланган.

# ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизларни юртимиз эрк қуёшига юз тутган кун —

Мустақиллик байрамининг 17 йиллик шодиёнаси билан

чин юракдан муборакбод этамиз!

Илоҳим тинчлик қуёши бошимиз узра абадий чарақлаб, орзу-истакларимиз ижобат бўлсин.

Зиё нурлари кўнгилларимизни чароғон қилиб, юракларимиз қувончу шодликка тўлсин.





## Барчангизга Энг улуғ байрам муборак, азизлар!

**«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси**



17 йил

**ЭНГ АЗИЗ, ЭНГ УЛУҒ АЙЁМ – МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА "ИЖТИМОИЙ ФИКР" ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ "ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ" МАВЗУИДА СЎРОВ ЎТКАЗДИ. БУНДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЎТГАН ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА БОСИБ ЎТГАН ЙЎЛИ, ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ТУРЛИ ЖАБҲАЛАРИДА ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН ЮТУҚЛАР ЮРТДОШЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ БАҲОЛАНАЁТГАНИНИ АНИҚЛАШДАН ИБОРАТ ЭДИ. СЎРОВДА АҲОЛИНИНГ БАРЧА ҚАТЛАМЛАРИ ВАКИЛЛАРИ – ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲЛИ, ЭРКАКЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР, ЁШИ ВА МАЪЛУМОТИ, МИЛЛАТИ ВА ДИНИ ТУРЛИ ХИЛ БЎЛГАН ОДАМЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.**

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ

Ушбу мавзуда ҳар йили ўтказиб келинаётган ижтимоий тадқиқотлар шундан далолат берадики, фуқароларимиз мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишини юксак баҳолайди. Ўзбекистон жамоатчилиги фикрида кўтаринки руҳ ва келажакка бўлган ишонч хукмронлиги намоён бўлади.

Сўровда қатнашганлар юртимизда қарор топган фуқаролар ва миллатлараро тинчлик-тотувлик, барқарор бунёдкорлик муҳитининг сақланиши ҳамда мустаҳкамланишини мустақиллигимизнинг энг катта ютуқларидан бири, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, уларнинг фикрича, ушбу ижтимоий фаровонликнинг асоси айнан Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимизнинг халқаро миқёсда эътироф этилиши ва жаҳон ҳамжамиятида обрўси тобора ортиб боришини, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш учун мустаҳкам пойдевор яратилганини, ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг амалга оширилишини, жумладан, аҳолининг аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилиниши ҳамда иқтисодиётимизнинг изчил юксалиб бораётганини ҳам сўровда қатнашган фуқаролар алоҳида қайд этдилар.

Президент Ислом Каримов томонидан белгиланган мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсат йўлини, яшаш жойи, ёши, маълумоти, миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, аҳолининг барча қатламлари қўллаб-қувватлайди ҳамда тўла маъқуллайди.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, аҳоли онгида истиқлол ғояси тобора мустаҳкамланиб бормокда ва устувор аҳамият касб этмокда. Масалан, сўралганларнинг 89,5 фоизи истиқлол йилларида мамлакатимизнинг иқтисодий, молиявий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан қудрати янада ошди, ўзининг ички муаммоларини самарали ҳал этишга қодир мамлакатга айланди, деган фикрда.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган ушбу сўров натижалари давлат ва жамият ҳаётининг кўп жабҳаларидаги ишлар ижобий баҳоланаётганидан далолат беради. Сўралганларнинг аксарияти (92,4 фоизи) мамлакатимизнинг ҳозирги мудофаа қобилияти унинг хавфсизлиги ва ҳудудий дахлсизлигини ишончли таъминлаш имконини беради, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон фуқароларининг 87,8 фоизи иқтисодиётимизни ривожлантириш суръатлари, 88,6 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини кенгайтириш учун яратилган шарт-шароитлар, 89 фоизи аҳолининг, айниқса, унинг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш даражаси, 85 фоизи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, 90,8 фоизи одамларнинг шахсий хавфсизлиги таъминланаётгани, 82,1 фоизи кўрсатилаётган тиббий хизматлар ва 87,3 фоизи таълим сифатидан қониқиш ҳосил қилаётганини билдирди.

Ўзбекистон фуқароларининг давлатимиз раҳбари юритаётган ижтимоий сиёсат аҳоли турмуш даражасини узлуксиз ошириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилгани ҳамда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётганига ишончи комил. Уларнинг фикрига кўра, ушбу бунёдкорлик ишлари ўзининг салмоқли натижаларини бермокда, рўёбга оширилаётган туб ўзгаришлар туфайли аҳоли фаровонлиги ошмокда.

Жамоатчилик фикрида миллий ва анъанавий қадриятларимиз мустаҳкам ўрин тутиши билан бир қаторда демократик жамият учун хос бўлган қонун ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш каби асосий тушунчаларнинг ҳам аҳамияти ортиб бормокда. Яна шуни таъкидлаш керакки, сўралганларнинг фикрича, истиқлол йилларида жамиятда маънавий ва ахлоқий қадриятларнинг мазмун-моҳияти тобора юксалмокда.

Сўров шуни кўрсатдики, аҳолининг аксарияти (91,6 фоизи) мамлакатимиз ўз олдида турган муаммоларни муваффақиятли ҳал этишига ва Ўзбекистоннинг яқин келажакда юксак даражада ривожланган ва фаровон давлатга айланишига қатъий ишонади.

Ўзбекистон аҳолисининг Президент Ислом Каримовга бўлган ишончи тобора ошмокда. Сўралганларнинг фикрича, Юртбошимиз мамлакатимизнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши ҳамда Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида обрўси ошишининг асосий кафолати ҳисобланади.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади.**

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҲАР БИР СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР ҚАТОРИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ҲАМ ЎЗИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ҚАМРОВИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ. УШБУ ИСЛОҲОТЛАРДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ЭСА ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ ВА МЕЗОНИ БЎЛГАН ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАБ ВОЯГА ЕТКАЗИШДАН ИБОРАТДИР. ШУ ТАЛАБДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА АНЪНАВИЙ ТАРЗДА ҲАР ЙИЛИ УШБУ ТИЗИМДАГИ ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАРНИ САРҲИСОБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНАДИ.**

*2008 – Ёшлар йили*

## ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Хусусан, куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги 169-мактабда шаҳар умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг август кенгаши тадбири бўлиб ўтди. Унда тумандаги умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари таълим муассасаларининг раҳбарлари, илғор педагоглар ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ғайрат Шоумаров сўзга чиқиб, Юртбошимиз раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳанинг ажралмас қисми бўлган таълим-тарбия жараёнини тубдан ислоҳ этиш, жаҳон андозалари даражасига кўтариш, сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланганини таъкидлар экан, мана шу мақсадда қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ёш авлодни комил инсонлар этиб вояга етказиш, уларга ўз қобилияти ва салоҳиятига мос касб-ҳунар эгаллаш имконини бераётганлигини қайд этиб ўтди.

Бугунги кунда таълим тизимидаги ислоҳотлар таълим ва тарбиянинг ўзаро чамбарчас, бир-бирига уйғун ҳолда олиб борилаётгани билан аҳамиятлидир. 2004- 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ юртимизда бугунги кунда ўн мингга яқин мактабнинг моддий- техник базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёни мазмунини тубдан такомиллаштириш, ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Мактабларимизда ёшларга пухта билим бериш баробарида уларни миллий қадриятларимиз, она-Ватан ва Истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

— Туманимизда 37та умумтаълим мактаби, 1та 98- мактаб- интернат, 1та 37- махсус мактаб, 46 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та спорт мактаби, 1та «Белтепа» спорт мажмуаси, 1 та болалар техник ижодиёт уйи ва 1 та болалар ижодиёт уйи мавжуд,— деди тадбирда сўз олган туман халқ таълими бўлими мудири Салима Шаропова.— 2008 йилда узлуксиз таълим тизимини мазмунан янгилаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш бўйича умумтаълим мактаблари томонидан чора- тадбирлар режаси тузилди. Унга мувофиқ истиқбол режада асосан 38 фоиз аниқ фанларга, 19 фоиз табиий фанларга, 16 фоиз гуманитар фанларга чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар очилади. Бу билан келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг янада пухта билим олишларига замин яратилади. Август Кенгаши қатнашчилари 7 та шўъбага бўлинган ҳолда долзарб мавзулар доирасида соҳа мутахассисларининг маърузаларини тинглаб, савол-жавоблар ўтказдилар.

Тадбир сўнгида Шайхонтоҳур тумани таълим муассасалари раҳбарлари қатнашчиларига мурожаатнома ва анъанавий август Кенгашининг 2008-2009 ўқув йилига тавсияномаси қабул қилинди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**





*Тадбирлар*

## МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

**ШАҲРИМИЗ ТУМАНЛАРИДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МАВЗУДАГИ ТУРЛИ-ТУМАН ТАДБИРЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА.**



Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ташаббуси билан тумандаги Олим Хўжаев маҳалласида истиқлолимизнинг 17 йиллигига бағишланган «Мустақиллик ва маънавият» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Бевосита мулоқот, қизиқарли савол-жавоблар руҳида ўтган тадбир давомида Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбар ўринбосари Султонмурод Олимов, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбар ўринбосари Шавкат Тўраев, Маънавият тарғибот маркази Шайхонтоҳур туман бўлими ходими Сабоҳат Ҳамидова, Олим Хўжаев маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Забихулла Жўраев, Тошкент менежмент ва технологиялар коллежи директори Зиёдулла Эрматов, 46-оилавий поликлиника бош шифокори Дилфуза Ибрагимова, Республика Маънавият-тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлимининг масъул ходими Салоҳиддин Мирҳакимовлар жойларда Истиқлолнинг 17 йиллигига кўрилаётган тайёргарлик, Мустақиллик йилларида маънавий-маърифий соҳалар ривожига қаратилаётган эътибор, тарихий обидаларнинг тикланиши, бунёдкорлик ишлари, маҳалланинг аҳиллик ва тинчлик-тотувлик маскани эканлиги, соғлом авлод камолоти йўлидаги ишлар хусусида батафсил тўхталиб ўтишди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари С.Олимов томонидан маҳалла маънавият хонасига маънавият, мафкурага оид янги нашр этилган китоблар тўпламининг топширилиши айниқса маҳалла аҳлини қувонтирди.

Тадбир сўнгида янграган мумтоз қўшиқлар эса кечага ўзгача файз-тароват бағишлади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ЭЗГУЛИК МАСКАНИ

**ЮРТ РАВНАҚИ, ОСОЙИШТАЛИГИ, ОБОДЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ. ХАЛҚИМИЗГА ХОС ЭЗГУ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ БОҚИЙЛИГИ, БАРДАВОМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА, ЁШ АВЛОДНИ МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТИМИЗГА ЁТ ҒОЯЛАР ТАЪСИРИДАН АСРАШДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁСДИР.**



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида маҳаллаларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ваколатини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ғамхўрлик ва эътибор ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб модели бўлган маҳаллаларнинг фаолиятини янада яхшилаш ва такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Буни пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Хондамир» маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Ушбу маҳаллада беш юз олтмишдан зиёд оила, икки минг нафардан ортиқроқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шоҳида Бадалованинг айтишича, ҳар бир оилада маънавий муҳитнинг соғлом ва барқарорлигини таъминлашда, ёшларни миллий анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашда маҳалла фаолларининг хизматлари катта бўлмоқда.

Давлатимиз томонидан жамиятнинг узвий бўғини бўлмиш — фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеини янада оширишга кўрсатилаётган эътибор натижаси ўлароқ, мазкур маҳалла қиёфаси тубдан ўзгариб, янада файзли, обод ва кўркам масканга айланмоқда. Бу ерда барпо этилган маҳалла гузари, болалар спорт майдончаси қайта таъмирланиб, шинам ва замонавий кўриниш касб этган таълим-тарбия, шифо масканлари фикримизнинг далилидир.

Ўқувчилар, талаба ёшлар иштирокида барпо этилган «Ёшлар боғи» маҳалланинг ҳуснига ҳусн қўшди. Зеро, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, кўчат ўтқазиш, чор-атрофдаги майдон ва хиёбонларни саранжом ҳолатга келтириш, ариқ ва зовурларни тозалаш каби эзгу юмушларда навқирон авлод – энг фаол ёрдамчи.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида барча жойларда бўлгани каби мазкур маҳаллада ҳам йигит-қизларни иш билан таъминлаш, хотин-қизлар ўртасида касаначиликни ривожлантириш маҳалла фаолларининг доимий диққат марказида. Ташкил этилган тикув, қандолат, новвойлик цехларида олтмишдан зиёд киши иш билан таъминланди.

– Фарзандлар тарбиясига лоқайд қараб бўлмайди, – дейди Ш.Бадалова. – Шу боис мактаб-маҳалла-оила ҳамкорлигини узвий йўлга қўйдик. Ёш авлоднинг бўш вақтини унумли ўтказишини ташкил этиш, мактабда олган билимини янада мустаҳкамлаш, истеъдодини кашф этиш, касбга йўналтиришда турли бадиий, спорт, экология, меҳнат таълимига оид тўгараклар яхши самаралар бермоқда.

Ёшларга қаратилаётган бундай эътибор ўзининг ижобий натижаларини намоён этмоқда. Ушбу маҳалланинг Зилола Ёқубова, Ортиқ Неъматов каби ёшлари бадиий гимнастика, шахмат бўйича республика ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашаётгани бунинг далилидир.

Шу кунларда барча жойларда бўлгани каби «Хондамир» маҳалласида ҳам Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрамига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Байрам арафасида мустақилликдек тенгсиз неъматнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшлар онгу-шуурига чуқур сингдириш мақсадида олимлар, маънавият тарғиботчилари, ёзувчи ва шоирлар иштирокида турли давра суҳбатлари, анжуманлар, ижодий учрашувлар ташкил этилмоқда. Бу санани муносиб нишонлаш мақсадида кўча ва майдонларни ободонлаштириш, ён-атрофни тартибга келтириш ишлари янада жонланди. Шу билан бирга ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёши улуғ кишилар ҳолидан хабар олиш, улар оғирини енгил қилиш, энг аввало, маънавий кўмак кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда меҳр-оқибат, мурувват, эзгулик маскани бўлмиш маҳаллалар фаолиятини янада фаоллаштиришга қаратилаётган ғамхўрликнинг амалдаги самараларидандир.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

*Алоқа*

## ҚЎШИМЧА ХИЗМАТ ТУРЛАРИ

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ АНИҚЛАШДА, ОДАТДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ МОДДИЙ ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ АСОС ҚИЛИБ ОЛИНАДИ.**

Ҳозир мамлакатимизда барча аналог станцияларнинг янги электрон рақамли станцияларга ўтказилганлиги бир қанча қўшимча хизмат турларини татбиқ қилишга кенг йўл очиб бермокда.

Шуни инобатга олиб «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси алоқа соҳасида маркетинг тадқиқотлар мажмуасини ишлаб чиқди. «ИКТ-Expo» кўргазмаси иштирокчилари ўртасида ўтказилган маркетинг тадқиқотлар натижасига мувофиқ телекоммуникация хизматининг янги режаси ишлаб чиқилди.

## ЧЕМПИОНАТ МЕДАЛЛАРИ

**КОМПЬЮТЕР ЎЙИНЛАРИ БЎЙИЧА VI ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ — САРАЛАШ ТУРНИРЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. УЛАРДА КЎПЛАБ ГЕЙМЕРЛАР ҒОЛИБЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.**

Совриндорларни тақдирлаш маросими ғолибларни ҳаяжонга солди. Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлган Тошкент жамоаси таркибида Ришат Гизделханов, Улуғбек Солиҳов, Артём Атбашян, Кирилл Лошкарев, Дилшод Мажидовлар бор эди. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ғолибларга чемпионат медаллари ҳамда совринларни топширди. Шундай қилиб ғолиб геймерлар Германиянинг Кёльн шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритдилар.

## АХБОРОТ–КУТУБХОНА ТИЗИМИГА ЭЪТИБОР

**БУГУНГИ КУНДА АХБОРОТ-КУТУБХОНА ТИЗИМИНИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ БОРАСИДА ҚАТОР ЮТУҚЛАР ҚЎЛГА КИРИТИЛМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ, РЕСПУБЛИКА АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ ТАСАРРУФИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БУНДАЙ ЗИЁ ДАРГОҲЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҲАМ ЯХШИЛАНИБ БОРМОҚДА.**

Уларда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижалари ҳам янги адабиётлар билан бойиб бормокда.

Украинада «Ҳозирги замон илм-фан, таълим ва бизнес дунёсида кутубхона ва ахборот ресурслари» деган мавзуда ўтказилган халқаро конференцияда республикамиз ахборот-кутубхоналарида орттирилаётган тажрибалар ҳам алоҳида тилга олинганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

*Фан*

## МУҲИМ ЙЎРИҚНОМА

**БУНДАН ЎН ЙИЛ МУҚАДДАМ ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ТАРИХ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУКУМАТ ҚАРОРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЭДИ.**

Ушбу ҳужжат мамлакатимизда тарих фанини ривожлантиришга қаратилган муҳим йўриқнома бўлиб хизмат қилмокда.

Ўтган давр мобайнида илмий муассасада масалага янгича ёндошилиб, қатор йирик тадқиқотлар амалга оширилмоқла. «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари», «Ўзбек халқининг шаклланиши тарихи» деб номланган тўпламлар чоп этилди. Институт жамоаси мутахассис олимлар билан ҳамкорликда «Ўзбекистоннинг янги тарихи» деган кўп жилдли китобни босмага тайёрлаш билан шуғулланмокда.

## ЕТТИ ИҚЛИМ БОҒИ

**БУ СЎЛИМ ЯМ-ЯШИЛ ГЎША ЕТТИ ИҚЛИМ БОҒИ ДЕБ ФАХР БИЛАН ТИЛГА ОЛИНАДИ.**

Чиндан ҳам Тошкент Ботаника боғининг таърифи кенг тарқалган.

Деярли 50 гектарлик майдонни ишғол қилган мазкур жамоанинг Ўзбекистон Фанлар академияси «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш маркази таркибида фаолият кўрсата бошлаганига ўн йил бўлди. Бу орада қатор йирик тадқиқотлар олиб борилиб, нуфузли нашрлар юзага келди.

Ҳозир у дунёдаги 230 дан ортиқ ботаника боғлари билан ҳамкорлик алоқаларини боғлаган, турли халқаро анжуманларда фаол иштирок этмокда.

## ЎНДАН ОРТИҚ МОНОГРАФИЯ

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА «БИООРГАНИККИМЁ» ИЛМИЙ-ЎҚУВ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 10 ЙИЛ БЎЛДИ.**

Ўтган шу давр ичида ушбу марказ томонидан амалга оширилган тадқиқотлардан бир нечтаси алоҳида китоб қилиб чоп этилди.

Ўсимлик ишқори ҳисобланган алкалоидга доир монография эса Америкадаги «Академпресс» нашриёти томонидан босиб чиқарилди.

Марказ яна бир неча йирик тадқиқотни нашриётга топширди.

**Акбар АЛИЕВ**

# Азиз юртдошлар!

## Мустақиллик байрамининг қутлуғ 17 йиллиги барчангизга муборак бўлсин.

*Ҳалол меҳнати билан элимиз
дастурхонини тўкин қилаётган
тадбиркор
ва бободеҳқонларимизнинг касб-корлари
янада баракали бўлсин,
Истиқлол барчага боқий бахт-саодат
олиб келсин.*

**«ПОКИЗА ГЎШТ-САБЗАВОТ ТАЙЁРЛОВСАВДО» КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

# АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!





**Барчангизни қалбларимизга олам-олам қувонч солиб кириб келаётган**

## ЭНГ АЗИЗ, ЭНГ УЛУҒ ШОДИЁНА — ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ

*билан чин қалбдан муборакбод этамиз.
Жаннатмакон юртимиз ҳамиша тинч,
фаровонлигимиз абадий бўлсин. Байрам шукуҳи билан
меҳнат қилаётган, қалби эзгу ниятга тўла
юртдошларимизга сиҳат-саломатлик,
хонадонларига файзу барака тилаймиз.*

**«БЕКТЕМИР-СПИРТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ОГАҲИЙ

ҲИКМАТЛАР

**Гар азиз ўлмоқ тиларсан хизмати
ихлос ила –
Ким, сабаб хизмат эрур ҳар кимки
бўлди аржуманд.**

* * *

**Кўрки зулмат хайли дафъига чекар
ҳар субҳ тиғ,
Офтоб ул важҳ бирла сурх рўю
сарбаланд.**

* * *

**Ҳар кишиким ташқари қўйса қадам ўз
ҳаддидин,
Етмайин мақсудиға шармандаи
олам бўлур.**

* * *

**Юз туман ранжу машаққат бирла
оламдин бориб,
Рўсиёҳу мустарибҳол охиратда
ҳам бўлур.**

* * *

**Ақл ила фаросатким, инсон
шарафи ондин.**

* * *

**Кўнгулни боғлама номард
ваъдасиға даме –
Ки, ваъдасида анинг бўлмағай
вафо ҳаргиз.**

* * *

**Мулойим ўлмас даме душмани
қадимингға ,
Мулойимат била ул бўлмас ошно ҳаргиз.**

* * *

**Таши йилоннинг агар ҳар нечаки,
нармдурур,
Ва лек бўлмас ичи заҳридин
жудо ҳаргиз.**

* * *

**Кимки, ўз ҳаддидин тажовуз этиб,
Амали бад сори қадам урғай,**

* * *

**Ўзи ўз жони қасдини қилибон
Ўзиға ханжари дудам урғай.**

* * *

**Агар жамъ ўлса учкун бир маконға,
Бўлур, албатта, оташгоҳ пайдо.**

* * *

**Ва гар ҳар соридин йиғналса қатра,
Бўлур тадриж ила тўфон ҳувайдо.**

* * *

**Кишига ҳамроҳ ўлса марди чолок,
Анго йўл офатидин йўқтурур бок.**

* * *

**Чу қолдинг иш қилур вақтида ғофил,
Пушаймонлиғ била эмди на ҳосил.**

* * *

**Чу ғарқ ўлдинг муҳити бегаронға,
Нажотинг йўқ юз урсанг ҳар қаёнға.**

* * *

**Қуёш чеҳрасин ҳар қачонким очар,
Ҳама шаппарак хайли ондин қочар.**

* * *

**Эрур гул иси гарчи зеби думоғ,
Ва лекин жуъл истар ондин қироғ.**







## ҲУНАРМАНДЛИК БУЮМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА ҲУНАРМАНД УСТАЛАР ЯСАГАН БУЮМЛАРНИНГ КЎРГАЗМА-САВДОСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Ҳунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу кўргазмада юртимиз ҳунармандлари ўз ижод намуналари билан иштирок этди.

Тадбирнинг очилишида «Ҳунарманд» уюшмаси раиси М.Қурбонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати З.Убайдуллаев, Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси зали директори Ю.Ёрмуҳамедова ва бошқалар мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қадимий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Бу жиҳатлар «Устоз-шогирд» мактаби анъаналарининг, миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъатининг унутилган усул ва йўналишларини тиклаш, уста ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда, айниқса, яққол намоён бўлмоқда. «Ҳунарманд» уюшмаси қошида ҳозир ўн олти минг нафардан ортиқ уста фаолият кўрсатаётир.

Марғилонлик заргар Абдуҳамид Абдужабборов сўнгги йилларда «қашқар балдоқ», «кокилли балдоқ», «фарғонача зебигардон» каби қадимий зеб-зийнатларни қайта тиклашга муваффақ бўлди. Уста ясаган буюмлар нафақат юртимиз, балки хорижий давлатлардаги кўргазмаларда ҳам муваффақиятли намойиш этилган.

— Ушбу кўргазманинг энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ташкил этилиши миллий қадриятларимизга, ҳунармандликка бўлган ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир, — дейди А.Абдужабборов.

Уч кун давом этган кўргазмада миллий ҳунармандликнинг заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, созгарлик, гиламдўзлик, наққошлик, каштачилик, зардўзлик каби йўналишлари бўйича ижод намуналари намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири**

*Таълим масканларида*

## ЁШ ИҚТИДОРЛАР КАШФ ЭТИЛМОҚДА

**ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ЁШЛАРГА БЎЛГАН ЭЪТИБОРНИНГ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОШИБ БОРАЁТГАНЛИГИ, УСТОЗЛАРИМИЗНИНГ ҚИЛАЁТГАН МЕҲНАТЛАРИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНАЁТГАНЛИГИ САМАРАСИ ЎЛАРОҚ ЮРТИМИЗДА КЎПЛАБ ЁШ ИҚТИДОРЛАР КАШФ ЭТИЛМОҚДА**





Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежига борганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори бизни ғоят қувонтирди, — дейди мусиқа коллежи директори Ботир Матёқубов. — Ушбу қарорда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом тасдиқланган. Ундаги муҳим янгилик шундан иборатки, ушбу қарорда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг директор жамғармаси тўғрисидаги Низом ҳам тасдиқланган. Бу Низом ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, профессионал тайёргарликни рағбатлантириш, устозлар касб маҳорати ва малакаси ўсишини рағбатлантиришга қаратилганлиги билан эътиборлидир. Низомга мувофиқ ушбу жамғарма маблағларини устама ҳақ, моддий ёрдам ва пул мукофотлари сифатида директор бошчилигида унинг ўринбосари, ўқитувчилар, касаба уюшма ташкилоти раиси, васийлик кенгаши вакили ва ота-оналар қўмитасининг вакилидан иборат комиссия белгиланган тартибда тақсимлайди. Энг мақбули, ушбу қарорда маданият ва санъат йўналишида республика ва ундан ташқарида жуда кўплаб чемпионат, мусобақа, танлов ва фестиваллар ўтказилиши белгиланган. Ўқитувчи ва ўқувчиларимиз ана шундай танловларда доимий иштирок этишади ва ғолибликни қўлга киритиб ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда. Жорий йилнинг ўзида коллежимиздан Анастасия Крюкова (эстрада қўшиқчилиги), Юлдуз Зинатова (дутор) йўналиши бўйича Москвада бўлиб ўтган «Зажги свою звезду» деб номланган танловда биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Миср Араб Республикасининг Хургада шаҳрида бўлиб ўтган «Қизил денгиз жавоҳири» номли танловда Нигора Нишонова иккинчи ўрин соҳибаси бўлди. Шунингдек бир қатор Республика танловларида Рўзмат Жалолов (доира), Фарруҳ Камолов (чанг), Фарангиз Зияева (дутор), Шерзод Шавриковлар (қашқар рубоби) йўналишларида биринчи ўринларни эгаллаб, уларнинг барчаси олий ўқув юртларига тест имтиҳонларисиз киришга муваффақ бўлишди. Бундай истеъдод эгаларини етказиб беришда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Зияева, Г.Мухторова, Г.Муҳамедова, Д.Акмалов, Қ.Самадов, Ҳ.Ражабов сингари устозлар ва Ф.Миртурсунова, Ю.Аҳмедова каби концертмейстерларнинг ҳиссаси жуда катта.

Дарҳақиқат, Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежининг нуфузи анчагина юқори. Жорий йилдаги «Ниҳол» мукофоти совриндорларининг тўрт нафари — Зиёда Қобилова, Ойбек Алимов, Нигора Исмоилова, Илёс Арабов ҳам мазкур коллежнинг битирувчилари эканлиги таълим масканида иш аъло даражада йўлга қўйилганидан далолат беради. Шуни таъкидлаш жоизки, 83 йиллик тарихга эга бўлган ушбу коллежда фортепиано, торли чолғулар, пуфлама ва зарбли чолғулар, ўзбек халқ чолғулари,баян, академик хонандалик, хор дирижёрлиги, анъанавий ижрочилик, мусиқа назарияси ва композиция, эстрада санъати, мусиқий овоз операторлиги мутахассисликлари бўйича бошланғич мусиқа мактаби ўқитувчилари, жўрнавозлар, концерт ижрочилари, овоз операторлари ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари раҳбарлари тайёрланади. Ўқув масканини ўтган давр мобайнида 8000 дан ошиқроқ мутахассис битириб чиққан. Улар орасида фан докторлари ва профессорлардан ташқари, Ўзбекистон халқ артистларидан Комилжон Отаниёзов, Икром Акбаров, Ориф Қосимов, Қаҳрамон Дадаев, Ботир Умиджонов, Бахтиёр Алиев, Рўзимбек Муродов, Сайфи Жалил, Хайрулла Лутфуллаев, Фарруҳ Зокиров, Қўрқмас Муҳиддинов, Ўзбекистон халқ ҳофизларидан Орифхон Ҳотамов, Ҳасан Ражабийлар ҳам мазкур коллежнинг собиқ талабаларидир.

Мусиқа коллежида таҳсил олаётган ўқувчилар Италия, Франция, Руминия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбойжон каби мамлакатларда бўлиб ўтган турли хил фестивал ва танловларда ҳам қатнашиб совринли ўринларни эгаллаётганлиги қувонарлидир.

60 ўринли ошхона, 100 ва 180 ўринли катта ва кичик концерт заллари, республикада ягона орган чолғуси ва 79364 минг дона китоб фондига эга бўлган мазкур коллеж ҳақида ҳар қанча тўхталса ҳам арзийди. Зеро, ушбу маскан эзгулик, гўзаллик ва яхшиликка хизмат қилади. Бу ерда миллатнинг эртаси бўлмиш энг иқтидорли ёшлар таълим-тарбия оладилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: коллеж ҳаётидан лавҳалар.**

*«01»*

## ШАҲРИМИЗ КЎРКАМ БЎЛСИН

**ДУНЁДА БИРОР САБАБСИЗ ҲЕЧ НАРСА СОДИР БЎЛМАЙДИ. ШУ ЖУМЛАДАН ЁНҒИНЛАР ҲАМ. АГАР БИЗ КУНДАЛИК ТУРМУШИМИЗДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ЁНҒИНЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ ЧИҚАДИГАН БЎЛСАК, АКСАРИЯТ ҲОЛЛАРДА БУНДАЙ ОФАТЛАР ЎЗИМИЗНИНГ БЕПАРВОЛИГИМИЗ, ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТМАСЛИГИМИЗ ЁКИ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ БЕРГАН КЎРСАТМАЛАРНИ НАЗАР-ПИСАНД ҚИЛМАСЛИГИМИЗ ОҚИБАТИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАНЛИГИНИНГ ГУВОҲИ БЎЛАМИЗ.**

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида, Ҳамза тумани ҳудудида 76 та ёнғин содир бўлганлигини кўрамиз. Ушбу ёнғинлар натижасида, куйиш тан жароҳати олган фуқаролар 4 тани ташкил этади, 4 нафар фуқаро эса ёнғин натижасида ҳалок бўлган, давлатимизга ва фуқароларга 624000 сўм моддий зарар етказилган. Ёнғинларнинг келиб чиқиши аҳоли турар жой биноларида 26 та, кўп қаватли уйларда 18 тани ташкил этади.

Халқимизда ўт балосидан, сув балосидан асрасин деган ҳикмат бор. Табиий офатлардан кўра улардан кўриладиган фожиа оқибатлари ниҳоятда оғир кечади. Афсусланарлиси шундаки, ўт балосига кўп ҳолларда одамларнинг ўзлари сабабчи бўлишади, ёнғин ҳам оёқ остидаги фалокатки, эҳтиётсизлик жабрини тортиш унга йўл қўйганлар зиммасига оғир айриликларни солади.

Янги барпо этилаётган бино ва иншоотларнинг қурилиш лойиҳа ҳужжатлари малакали мутахассислар томонидан ишлаб чиқилганда содир бўлаётган ёнғинларнинг, ёнғинларда тан жароҳати олган фуқароларнинг камайишига эришган бўлар эдик. Қурилиш меъёр ва қоидаларига зид равишда ўзбошимчалик билан қурилган иморатларнинг ёнғин вақтида катта ҳароратларга чидамсизлиги, инсонларни қутқаришга қийинчилик туғдириши ва иншоотларнинг ёнғин вақтида тез бузилиши кузатилмоқда. Лекин баъзилар бу нарсаларга жиддий эътибор қаратмаяпти. Арзон нарсани қидиришга, арзон устани топишга интиламиз. Ишимиз битиб ундан кўнглимиз тўлмасада барибир яна такрор шундай йўл тутаверамиз. Ўзимизча пулимизни тежаяпмиз деймиз — аслида бепарволик қилиб бир неча баравар кўп пул сарфлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 апрелдаги «Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этиш ва такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва 2005 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикаси бош вазири ҳузурида ўтказилган «Ўзбекистон Республикасининг вилоят шаҳар ва туман марказлари қурилишида «Шаҳарсозлик» меъёр ва қоида-талабларига риоя қилиш тўғрисида»ги йиғилиш баённомасига асосан Ҳамза тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими туман ҳокимлигида ташкил этилган ишчи гуруҳ билан ҳамкорликда туман меъмори, Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси қошидаги махсус инспекция ходимлари, ДСЭНМ, ДСИ ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда туман ҳудудида ноқонуний қурилишларни аниқлаш мақсадида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда.

Кўп қаватли турар жой бинолари, жамоат ва маъмурий биноларнинг олдига борувчи йўлларни тўсиб қўйиш, ўраб олиниши ҳолатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сабаби, ёнғин ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда ёнғин ўчириш автоуловларининг белгиланган манзилларга қисқа муддат ичида етиб боришида тўсқинлик қилмоқда.

Туман ҳудудида янги манзарали иншоотларнинг қурилиш лойиҳалари малакали мутахассислар томонидан кўриб чиқилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, қурилиш меъёр ва талабларига зид равишда қурилган қурилмаларни аниқлаб, керакли чоралар кўрилмоқда.

**Зафаржон ХАТАМОВ,
Ҳамза тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, капитан**

*Футбол*

## ПЕШҚАДАМ ЖАМОАЛАРНИНГ ҒАЛАБАСИ

**МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 18-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ "БУНЁДКОР" — "СЎҒДИЁНА", "НАСАФ" — "ПАХТАКОР" БАҲСЛАРИДАН СЎНГ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.**

Шуни таъкидлаш жоизки, жорий йилги мавсумда чемпионликка даъвогарлик қилаётган "Бунёдкор" ҳам, "Пахтакор" ҳам сермазмун ўйин намойиш этмоқда. Фақат икки очко олдинда бораётган "Бунёдкор" жамоаси турнир жадвалида карвонбошилик қилмоқда. Дарвоқе, ҳар икки жамоа шу кунгача бирор марта мағлубиятга учрамаган.

Энди 18-тур баҳслари ҳақида тўхталадиган бўлсак, "МҲСК" стадионида Жиззахнинг "Сўғдиёна" командасини қабул қилган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги "Бунёдкор" жамоаси яна ҳужумкор, тезкор ўйин намойиш этиб, 90 дақиқа мобайнида меҳмонлар дарвозасини икки марта ишғол қилди ва ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолди. Дарвозага тўпларни Хосе Вильянуэва ва Сервер Жепаров киритди.

Сафарда "Насаф" билан куч синашган амалдаги чемпион "Пахтакор" жамоаси аъзоларига ҳам омад кулиб боқди. Пахтакорчи Суюнов томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган ягона гол ўйин тақдирини ҳал қилди ва "Пахтакор" муҳим уч очкони қўлга киритди.

Энди мамлакат XVII миллий чемпионатининг 19-тур учрашувлари 28, 29 август кунлари бўлиб ўтади.

**(Ўз мухбиримиз)**

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли 1-сон юқумли касалликлар клиник шифохонаси жамоаси, шифохона реанимация бўлими мудири Миргиёс Мирзаилёсович Маҳмудовга отаси

**Мирзаилёс Маҳмудович МАҲМУДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-текшириш институти ва клиникаси жамоаси Мапура Якубовна Усмоновага онаси

**Салима АЛИМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари, ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 706

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3200 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 3456

Топширилган вақти: 15.30